



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 17 октябрь, № 201 (6384)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МДХНИНГ ҚОЗОФИСТОН САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2015 йил 15-16 октябрь кунлари Қозоғистон Республикасида бўлди ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.



Яқинда Кундуз шаҳрида рўй берган воқеалар ҳукуматнинг парокандалиги ва ҳаракатсизлигини, айна пайтда толибонлар фаол ҳамда уюшган ҳолда ҳаракат қилганини кўрсатди. Бунинг оқибатида толибонлар шаҳарни бир неча кун эгаллаб турди.

Ўзбекистон раҳбари Афғонистондаги жангари гуруҳлар мамлакат жанубидан шимол ва шимоли-шарқига ўтаётгани, чегара худудларидаги вазият кескинлашиб бораётгани ҳам чуқур ташвиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлади. Толибонларнинг мамлакатнинг айрим худудларини босиб олиш бўйича кейинги уринишлари ушбу ҳаракат ҳали ҳам катта ҳарбий кучга эга эканидан далолат беради. Афғонистон армияси ҳозирча толибонларга қаршилик кўрсатишга, ҳукумат эса мамлакатда ҳавфсизликни таъминлашни тўлиқ назорат қилишга қодир эмас.

Афғонистонда юзага келаётган вазиятни инобатга олган ҳолда, кўплаб мутахассислар Ироқнинг аянчли аҳолини такрорламаслик учун Афғонистонда АЙСАФ ҳарбийларини қўпайтириш, уларнинг бу мамлакатда бўлишини яна бир неча йилга узайтириш керак, деган фикрга қўшилмоқда. Бунинг учун жиддий асослар бор.

— Афғонистондаги вазият қандай кечилишидан қатъи назар, шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини фақат бир йўл, яъни БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни муроссага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкин. Бошқа йўл йўқ, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ислам Каримов Қирғизистон Республикасини навбатдаги муддатда МДХга раислик қилиши билан табриклади ва Президент Алмазбек Атамбаевга ушбу масъулиятли вазифани бажаришда муваффақият тилади.

Ў.А.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Саммитнинг асосий тадбирлари 16 октябрь куни бўлиб ўтди.

МДХ давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашдилар.

Учрашувда ҳавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мажлисда яқин ва узоқ мамлакатларда вазият кескинлашиб, шиддат билан ўзгариб бораётгани инобатга олинган бўлса, МДХ давлат раҳбарларининг мазкур учрашуви ўз вақтида ўтказилганини таъкидлади.

Айниқса, радикализм, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, низо ва қарам-қаршилиқлар кескинлашиб бораётгани катта хавотир уйғотмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани ва Ҳамдўстлик давлатларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Давлатимиз раҳбари бугунги гоёта мураккаб вазиятда ҳар қандай учрашув ва фикр алмашиш, юзага келаётган таҳликали вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излаш фақат фойдали бўлишини алоҳида қайд этди.

Ислам Каримов саммитнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, МДХ бу борада муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Маз-

кур учрашув ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган зарурат бўлиб, умумий тараққийимиз истиқболли учун алоҳида аҳамиятга эга.

— Ҳамдўстлик — бу давлатларнинг бевосита мулоқот қилиши, фикр алмашиши, долзарб масалаларни муҳокама этиши, ўзаро манфаатлар ва яратилган мустақкам ҳуқуқий база, ўзаро ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган вазият ва механизмлар ҳисобга олинган ҳолда, иштирокчи давлатлар ўртасидаги баҳс ва мунозараларни ҳал этиш учун кенг имконият берадиган тузилмадир.

МДХ савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, экстремистик фаолиятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, энг муҳими, Ҳам-

дўстлик ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши, долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзаро мақбул тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда мувофиқлаштирилган амалий чоралар кўриш учун муҳим майдон вазифасини ўтамоқда, — деди Ислам Каримов.

Президентимиз ўзаро имтиёз ва преференциялар бериш, келишилган ва самарали тариф шартлари юритиш, шуниингдек, ўзаро манфаатли янги транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш орқали транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш МДХ аҳамиятини белгилайдиган энг муҳим омиллардан эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, шуни ҳам

қайд этиш жоизки, собиқ иттифоқ маконида бошқа давлатлараро тузилмаларнинг пайдо бўлаётгани туфайли МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши ва унинг бошқа органлари мажлислари аксарият ҳолларда умумий характерга эга бўлиб қолмоқда. Мажлисларда кўри-лаётган масалалар кўпгина бугунги кунда Ҳамдўстлик ҳудудида юзага келаётган воқеаларга деярли дахли йўқ ва мохиятан кундалик ҳаётдан анча йироқдир.

Ўзбекистон Президенти бунга ушбу учрашувни мисол қилиб келтирди. Унинг кун тартибига кўп томонлама ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир умумий характердаги мунозарат қилиш, баёнот бериш, келишув комиссияларини тузиш,

қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида ахборот бериш каби у қадар аҳамиятли бўлмаган масалалар киритилган. Юзага келган вазиятдан чиқишнинг йўли шундаки, ушбу давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири, МДХ ва Евроосиё иттифоқи ўз кун тартиби ва ҳаракат дастурига эга бўлиши, бир-бирини такрорла-маслиги, аксинча, тўлдирishi даркор.

Ислам Каримов минтақамиз-га бевосита дахлдор бўлган Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталди.

Биродарқушлик уруши 35 йилдан ортик давом этаётган ушбу мамлакатдаги бугунги аҳвол қарам-қарши томонлар ўртасидаги низо чўзилиб кетаётганини кўрсатмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДА ЮКСАК САЛОҲИЯТГА ЭГА



Пойтахтимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз иштини якунлади. Икки кун давом этган мазкур нуфузли тадбир доирасида 700 минг тонна ўзбек пахта толаси ҳамда умумий қиймати 800 миллион АҚШ долларидан ортик тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича шартномалар имзоланди. Бу, кутилганидек, жаҳон пахта бозорининг Тошкент форуми юртимиз ишлаб чиқарувчилари ва хоржий харидорлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустақкамлашга хизмат қилганининг ёрқин далилидир.

Чиндан ҳам, бу йилги Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўзбек пахта толаси ҳамда қўшимча қийматга эга тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти бўйича янги савдо йўлақларини очиб, тенг манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда қулай бизнес муҳитини юзага келтиргани билан кўпчиликнинг ёдида қолади. Нега деганда, унинг ишида жаҳоннинг 40 та давлатидан 1000 дан ортик компания ва фирмалар вакиллари иштирок этиб,

маҳсулотларимизни воситачиларсиз тўғридан-тўғри сотиб олишга муваффақ бўлдилар. Шунинг ўзиёқ ўзбек пахта толаси, табиий матолари, бежирим кийим-кечаклари жаҳон бозорида бемалол рақобатга кириши олаётгани, уларга бўлган талаб эса йил сайин ортиб бораётганидан далолат эмасми?!

Чет эллик экспертларнинг эътирофи этишича, Ўзбекистон пахтачилик тармоғи ва тўқима-

чилик саноатида рўй бераётган сифат ўзгаришларини биргина мисол, яъни экспорт жүрофияси кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Негаки, илгари толамин, асосан, Европа давлатлари томонидан сотиб олинган бўлса, эндиликда уни Хитой, Бангладеш ҳамда Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам импорт қилмоқда. Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, ўзбек пахта толаси юқори си-

фат кўрсаткичлари билан чет эллик харидорларнинг ишончини оқлади. Ушбу ютук замирида тизимда олиб борилаётган оқилона ислохотлар, тўғри экспорт сиёсати юритилаётганининг самараси мужассам, десак, аини ҳақиқатдир.

— Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳамма йўналиш, хусусан, пахтани бирламчи қайта ишлаш ва энгил саноат тизимиди

жадал ривожланмоқда, — дейди “Техсофтс Worldwide” компанияси вакили Гопалкришнан Рагу. — Чунки жаҳон пахта бозорининг марказига айланган юртингизда барча харидорга тенг имконият яратиб берилган. Тақдим этилаётган тола сифатига эса гап йўқ. Шунинг учун бу йилги форум жуда самарали ўтди.

Қисқа давр ичида халқаро пахта бозорининг муҳим иштирокчиларига айланган “Умар-қазимпекс”, “Узинтеримпекс” ва “Ўзсаноатмашинпекс” давлат ташки савдо компаниялари замонавий савдо усулларини қўллаш орқали маркетинг стратегиясини амалга ошираётгани ҳамкорларга ҳар томонлама бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар. Сабаби, улар тадбирнинг иккинчи кунда бевосита жойларда бўлиб, пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани сифатли сақлаш, харидорларга белгиланган муддатларда етказиб бериш хизмати, калава ип, тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечаклар тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишдилар.

XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари форум давомида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар. Сабаби, улар тадбирнинг иккинчи кунда бевосита жойларда бўлиб, пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани сифатли сақлаш, харидорларга белгиланган муддатларда етказиб бериш хизмати, калава ип, тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечаклар тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишдилар.

(Давоми 2-бетда).

СЎЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

«Юртингизда етиштирилаётган пахта толаси халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради»

Жозе СИТТЕ,
Пахтачилик бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси бошқарувчи директори:

— Юртингизда аънавий тарзда ташкил этилаётган ушбу ярмарка жаҳон миқёсидаги йирик тадбирлардан бирига айланиб улгурди. Ўзбек толасини харид қилиш ёки соҳа энгилликларини бохабар бўлиш истагидаги компания ва фирмалар, савдо ташкилотлари вакиллари, мутахассислар сафи йил сайин кенгайётгани ана шундан далолат беради.

Этиборлиси, ярмарка давомида қатнашчилар истиқболли гўза навларини яратишдан тортиб, унинг толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён билан яқиндан танишдилар.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта толаси халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бу эса ўзаро ҳамкорлик бўйича шартномалар имзоланишида жуда муҳим омилдир.

Жэмми ФИШЕР,
“SGS” компаниясининг халқаро савдо бўйича менежери (Буюк Британия):

— Ўзбекистондек гўзал диёрда келганимдан жуда бахтиёрман. Бу ерда самимият, меҳмондўстлик, ўзаро ҳурмат каби тушунчалар юксак қадрланар экан. Ярмарка доирасида мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, хусусан, пахтачилик соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишдик.

(Давоми 2-бетда).

18 ОКТАБРЬ — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

Кўҳна ва ҳамisha навқир Самарқанд бетақдор шарқона руҳи ҳамда қиёфаси, бой тарихи, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълум машҳурдир.

Ер юзининг сайқали

Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда “абайи шаҳар” деган ном билан бутун дунёда шўҳрат қозонгани бежиз эмас.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлганидек, Самарқандда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу боис бугун Регистон майдони, Рухобод, Амир Темур мақбараси, “Йўлбарслар хиёбони”, темир йўл вокзали, Сиёб дехқон бозори, Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи, “Сўғдиёна”, “Ешлик”, “Шаббода” каби боғлардаги файзу тароватдан кўз қувонади, дил яйрайди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарорига мувофиқ, 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йил-

лиги кенг нишонланди. Ушбу кутлуг тўй арафасида боқий шаҳар янада гўзаллашди. Ушлаб ижтимоий-маиший иншоотлар, деган ном билан бутун дунёда шўҳрат қозонгани бежиз эмас.

Шаҳар марказида 1996 йилда халқимизнинг гурур ва ифтихори тимсоли бўлиши Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ул зотнинг муаззам ҳайкали қад ростлади. Ана шу кутлуг сана арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг Самарқанд шаҳрини “Амир Темур” ордени билан мукофотлаш тўғрисида Фармони эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда).

18 ОКТАБРЬ — ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ОЧИЛГАН КУН

Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг улкан маънавий-маърифий мероси, халқимизнинг бетакрор қадрият ва аъёнлари неча асрлардан буюн дунё ахлини ҳайратга солиб келади...

Дастлаб музей фондидан 600 экспонат жой олган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони беш мингдан ошди. Экспонатлар орасида Амир Темур ва теурийлар даврига оид ноб ёзувлар, ёзишмалар, қумуш ва мис тангалар, сопол ҳамда мис буюмлар, меъморий

матбаҳо матолар, олтин, қумуш ва бронзадан ясалган хилма-хил идишлар, уй-рўзгор ҳамда заргарлик анжумлари, сопол буюмлар Амир Темур нафақат буюк давлат арбоби, балки илмфан, хунармандлик, маънавият ва маърифат ҳомийси бўлганидан яна бир далолатдир.

БУЮК ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ



Президентимиз раҳамоллигида тарихимизни ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Музей салобати ва бетакрор меъморий ечими билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳларни ҳам мафтун этмоқда. Бу мухташам бинонинг ҳар бир қисми тарих ва бугунги кунни ифодасини, ўзаро уйғун тарзда улуг бобомиз кўчқудратидан, халқимизнинг буюк тарихи ва келажagini намойиш қилади.

Музейда турли илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиш аънаънага айланган. Мақтабга тарбия муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талабалар учун ташкил этилаётган турли мавзулардаги экскурсиялар, дарслар ёшлар учун ҳар томонлама фойдалли бўлмоқда.

Музейда турли илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиш аънаънага айланган. Мақтабга тарбия муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талабалар учун ташкил этилаётган турли мавзулардаги экскурсиялар, дарслар ёшлар учун ҳар томонлама фойдалли бўлмоқда.

Теурийлар даври меъморчилигига замонвий архитектура аънаъларини уйғунлаштириб бунёд этилган музей биноси Теурийлар саройларига монанд. Бинонинг бутун айланаси бўйлаб жойлашган айвонни салобатли оқ устунлар беэаб турибди. Унинг ташқи деворига эзуликка ўндоғчи шундай сўзлар битилган: Адолат, Итоат, Зарофат, Маърифат, Дийнат, Оқибат, Марҳамат, Қадрият, Садоқат, Муваффақият, Матонат, Мурувват, Шижоат, Машварат.

Бу маскан ўзининг бетакрор қиёфаси, энг муҳими, ранг-баранг экспозицияси, ноб ёзоратқиларга бой фонди, ёш авлодни илмий-маърифий, юксак маънавий салоҳияти билан ҳам шухрат қозонмоқда. Айни пайтда бу Амир Темур барпо этган қудратли давлат бобомизнинг улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий меросини ҳаққоний ўрганишига, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, улуг аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Зотан, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Музейда турли илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиш аънаънага айланган. Мақтабга тарбия муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талабалар учун ташкил этилаётган турли мавзулардаги экскурсиялар, дарслар ёшлар учун ҳар томонлама фойдалли бўлмоқда.

Музейда турли илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиш аънаънага айланган. Мақтабга тарбия муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, талабалар учун ташкил этилаётган турли мавзулардаги экскурсиялар, дарслар ёшлар учун ҳар томонлама фойдалли бўлмоқда.

Учинчи қаватда эса Марказий Осиё тарихининг то Сохиқирон давригача ва теурийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи экспонатлар, ранг-баранг озоратқилар

Дарҳақиқат, Сохиқирон бобомизнинг "Бизнинг қилмишимиз билмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга боқинг", деган ифтихор тўла сўзлари орадан олти аср ўтиб мустақил Ўзбекистонда, ўзининг яққол ижобатини топмоқда.

Хуршид ФАЙЗИЕВ, Теурийлар тарихи Давлат музейи директори.

Хуршид ФАЙЗИЕВ, Теурийлар тарихи Давлат музейи директори.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил-изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

- 05.02.01 - Машинасозликка материалшунослик. Куймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноб металллар металлургияси — 1 ўрин.
05.08.06 - Филдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлашиш — 4 ўрин.
05.23.06 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар — 1 ўрин.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза; сўровнома; тиббий маълумотнома; меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси; олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси; тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2015 йил 15 ноябргача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй, 6-хона. Телефон: (0-371) 232-15-34.

«Universal reator» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади.

Очиқ аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2015 йил 19 мартдаги 1-980/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 55-уйда жойлашган, умумий майдони 66,23 кв.м., тураржой майдони 42,16 кв.м. бўлган 129-хонадон қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 236 200 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Бюрогманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумот олиш манзили: «Universal reator» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Тел./факс: (0-371) 150-85-55 www.reator.uz E-mail: universal.reator@mail.ru

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Наманган вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига Косонсой тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2015 йил 5 августдаги 10-1513/3346-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Tradewell international» МЧЖ шаклидаги хорижий корхонага тегишли, Наманган вилояти, Косонсой тумани, «Ёшлик» ҚДЙ, Жар массивида жойлашган, ер майдони 20747,473 кв.м., қурилиш ости майдони 5223,90 кв.м., фойдаланиш майдони 4571,10 кв.м. бўлган терини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 035 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

«Universal auktions invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига тақлиф этилади.

2015 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Ангор тумани СИБ томонидан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончаси ва Ангор тумани суд ижроичилари бўлими ҳовлисида сақланаётган, ЖИБ Ангор тумани судининг 2015 йил 20 июлдаги ижро варақасига асосан: 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 19 Г 85-19.

Бошланғич баҳоси — 4 320 000 сўм. Тиркма давлат рақамисиз. Бошланғич баҳоси — 600 000 сўм. ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 23 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Ериса ВДА» русумли автомашина, давлат рақами 75 У 880 ВА. Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм. ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 13 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган: 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ 80 х» русумли трактор, давлат рақами СН 45-97. Бошланғич баҳоси — 28 980 000 сўм. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ 80 ХА» русумли трактор, давлат рақами СН 98-30. Бошланғич баҳоси — 31 860 000 сўм. 2015 йил 2 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, «Ўзбек-Сурхон» МЧЖ ва Термиз шаҳар ИИБ жарима майдончаларида сақланаётган, ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 8 июндаги ижро варақасига асосан: 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли автомашина, давлат рақами 75 Қ 548 ЕА. Бошланғич баҳоси — 15 390 000 сўм. ЖИБ Сарийосиё тумани судининг 2015 йил 10 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли автомашина, давлат рақамисиз.

Бошланғич баҳоси — 15 120 000 сўм. Сарийосиё тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 23 декабрдаги 19-1307/17502-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қишлоқхўжалиқим» АЖДА сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5320» русумли автомашина, давлат рақами 75 N 422 ЕА. Бошланғич баҳоси — 18 527 555 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 2 ноябрь кундаги аукцион савдосида сотилмақ колган тақдирда, уларнинг тақрорий аукцион савдоси 2015 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 17 ноябрдаги аукцион савдосига — 2015 йил 13 ноябрь куни ва 2015 йил 2 ноябрдаги аукцион савдосига — 2015 йил 30 октябрь куни соат 16.00 да тўхтаилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktions invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: О1063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закатал пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс катнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55. Гувоҳнома № 004059.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси бош мутахассис Дилшод Сирожидиновга падали бузруквори Шавак СИРОЖИДИНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этилади.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади.

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда: 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 33 862 478 сўм. 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 30 622 992 сўм. 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 29 755 790 сўм. 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 29 924 981 сўм. 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 30 413 753 сўм. 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 30 478 070 сўм. 58-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 19 107 078 сўм. 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 24 267 359 сўм. 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 24 178 100 сўм. 66-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 24 847 544 сўм. 31-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм. 69-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 23 519 848 сўм. 84-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм. 46-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 19 168 453 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 27 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланғич баҳоси бир иш кунни қолганда соат 16.00 да тўхтаилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ТИФ Миллий банки Учтепа филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800090493650001, МФО: 00918, СТИР: 207125885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

«Capital reator group» МЧЖ

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 16 сентябрдаги 180-сонидан чоп этилган хабарномадаги Фаргона шаҳри, Қомус кўчаси, 40-уйда жойлашган бино-иншоотларнинг аукцион савдоси Суд департаменти Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 15 октябрдаги 5931/2-сонли хатига асосан тўхтатилди. Хизматлар лицензияланган. «Capital reator group» МЧЖ маъмурияти.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2015 йил 2 июндаги 10-1520/6593-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Osioelegant gaz servis» МЧЖга тегишли, Муборақ тумани санаот зонаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6000,0 кв.м., қурилиш майдони 715,86 кв.м. бўлган, автомобилларга метан газ тўлдириш компрессор шохобчаси («GEO-C4375HP4STAGES CNG COMPRESSOR» русумли автомобилларга метан газ тўлдириш компрессори) мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 615 595 676 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 19 ноябрь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2015 йил 17 ноябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Ташарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

Ислон КАРИМОВ



М У **Т** О **Л** А
М Ҳазрат Алишер Навоий асарларида Ватан мавзуси, ватанпарварлик ғояси муҳим ўрин тутди. Улуғ мутафаккир тугилиб ўсган шахрини қайноқ муҳаббат билан севган. "Хайрат ул-аброр" да ўз киндик қони томган замин таърифи алоҳида мақолат бағишлаган бўлса, "Сади Искандарий" дostonида ҳам Хуросону Мовароуннахри мадҳ этади.



Меҳри дурахшон дегил

Улуғ шоир талқинчи, Ватан жаннат боғларидан афзал, фалақдан ҳам кенг, еттинчи осмондан-да юксакдир. Ватан — дурри тобон, Ватан — нур, Ватан — меҳри дурахшон, Ватан — султон, Ватан — тану жон:
Машъала йўқим,
дури тобон дегил,
Дур демагил, меҳри
дурахшон дегил.

Кўк ети иқлимида
султон ҳам ул,
Балки алар борча
тану жон ҳам ул.
Она-юртнинг жуғрофий мухити, обу ҳавоси, кўрку таровати, олтинга тенг тупроғи, тоғлари, саҳролари, сабзаю райхонлари, нурафшон фасл-

нинг садоси булбуллар хонишларига уйғундир:
Сув тараб ангез чекиб
гулгула,
Ҳайлаки ишрат нафаси
булбула.
Ҳазрат Алишер Навоий тавбаруқ қадами етган ҳар бир муқаддас тупроққа ҳамиша

жаннат боғи ила тенг кўради:
Жиноваш Самарқанд
мавжуд йўқ,
Ки қилмиш бино они
Искандар — ўқ.
Ожизу нотавонлардан марҳаматини аямаслик, мазлумларга беминнат ёрдам бериш, беозорлик, кўнгил юмшоқлиги, собирлик, маънавий шижоат, лутфу муро-роста, росттўйлик, одиллик, нозик эҳтиром, эзгулик йўлида чекилган заҳматни ёқимли изтироб ўрнида қабул қилиш, эл манфаати йўлидаги машаққатдан роҳатланиш ҳазрат Алишер Навоий шахсига хос хусусиятлардир. Айни шу фазилатлар она-юрт ҳақида латиф мисралар битишга йўл очган. Бу ўлмас битиклар ҳозирги ёшларни она-Ватанга, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани билан янада қадрлидир.
Шавкат ХАЙИТОВ,
Бухоро давлат университети
ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди,
доценти.

Т А **Л** Қ **И** **Н**
Шоирлар султони ўз қаҳрамонлари тимсолида маънавий, ақлий, жисмоний ҳамда руҳий етуқликка хос фазилатларни акс эттириб, уни бошқаларга ибрат мезони сифатида ифодалади. Шоирнинг бу истак-хоҳиши бугунги кунимизнинг устувор вазифаси — баркамол авлод тарбиясининг бош мақсадига айланган, десак, янглишмаймиз. Шу боис Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида таъкидланганидек: "Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз".

Илм — саодат гавҳари

Чиндан ҳам, Алишер Навоий миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. У уммон каби чексиз шеърятдан ташқари, "Хамса" каби йирик юксак бадиий, "Маҳбуб ул-қулуб" сингари тенгсиз ахлоқий асарларида, шунингдек, "Муножот", "Вақфия", "Мажалис ун-нафоис" каби битикларида тарбияга оид қарашларини ифода этади. Чунончи, у "Маҳбуб ул-қулуб" да илм ўқиб, амал қилмаган кишини шудгор қилиб, деҳқончилик қилмаган ёки уруғ сочиб, ҳосил кўтармаган кишига ўхшатади:

"Илм ўқиб, қилмаган амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул."

Аллома ўзининг "Хайрат ул-аброр" дostonида шахнинг касбий фаолиятдан келиб чиқадиган муносабат тарбиясига хос фаолликни миллий руҳда асослаб берган. Ушбу дostonнинг муҳим бир хусусияти шундаки, асарда юксак инсонийлик муносабатлари ўзининг теранлиги, халқчиллиги, тилининг бойлиги ва равонлиги билан ажралиб туради. Ундаги ғоялар бола шахсида меҳнатга, ўз касб-корига, оиласига, ота-онасига, юртига меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотади. Асардаги юксак ахлоқий муносабатлар эса комиллик сари интилишга асос бўла олади. Шоирнинг таълим-тарбияга оид асарларида инсоннинг ҳар томонлама

баркамол бўлиб етишишида унинг жисмонан бақувват бўлишига ҳам урғу берилган. Чунончи, буни Фарҳод, Қайс, Искандар каби сиймоларда кўрамай. Шунингдек, унинг тасаввуридидаги комил инсонга хос энг юксак фазилатлар қаторида ижодкорлик, қобилият, илм-фанга муҳаббат муҳим ўрин тутди. Ҳазрат Навоий комил инсон тарбиясида илм-фаннинг аҳамиятини талқин этар экан, илмни қоронғиликни ёритадиган чирок, ҳаёт йўлларини нурафшон этадиган кўш, одамларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатадиган омил сифатида таърифлайди. Бу фикрини "Назм ул-жавоҳир" асарида шундай ифодалади:

Ким олим эса, нуқтада барҳақ де они,
Гар базм тасар, биҳишти мутлақ де они,
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга аҳмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса учмақ де они.

Яъни илми, оқил одам ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади, ким илмни ўзига таянч қилиб олса, у ҳеч қачон қочилмайди, хор бўлмайди. Илмнинг вазифаси инсон бахт-саодати-га хизмат қилишдир, деб таъкидлайди шоир. Навоийнинг қарашлари, олға сурган фалсафий-ахлоқий фикрлари бир халқ, бир мамлакатга эмас, бу-

Мақсуда САРИБОВА,
Гулистон
давлат университети
доценти.

Р У Б О Й Л А Р

Будур тилагимки, улки маъбудунг эрур,
Туткай сени улёнки, сенинг судунг эрур.
Кўнглунга етургай улча бехбудунг эрур,
Илгинга кетургай улча мақсудунг эрур.

Сен борғали ортмиш кўнгул зорлиги,
Оҳ ўқларидин ҳар нафас афғорлиги.
Билмон, унутулгонму экандур манга ҳажр,
Ё кўпрак эрур бу қатла душворлиги?

Кўнглум гулу сарв майли қилмас, нетайин?
Сарву гул ила даме очилмас, нетайин?
Дар шўх кўрунса, кўзга илмас, нетайин?
Бир шўхким, ул тилар — топилмас, нетайин?

Эй, жони ҳабибу кўнгли аҳобға лол,
Мен ҳам қилдим жону кўнгулни ирсол.
Кўнглумга бер аҳоб била жони висол,
Жонимни ҳабиб аёғи туфроғига сол.



Ў Т И Р О Ф В А Э Х Т И Р О М

Алишер Навоийнинг шоҳ асари — "Хамса" жаҳон адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга. Асар таркибига кирувчи "Сабаъи сайёр" дostonи асосида XVII асрда грузин шоири Нодар Цициашвили "Барамгуриани" асарини яратган.

Ҳиндистонда Алишер Навоийнинг таржима қилинган асарлари орасида кенг тарқалгани "Мажалис ун-нафоис" д. У форс тилига бир неча бор ўғирилган. Бу борада Султон Муҳаммад Фаҳрий (1521 й., Ҳирот), Муҳаммад Қазвиний (1523 й., Стамбул) ва Шоҳали Абдулаленин (1598 й., Нишопур) хизматлари беқиёс.

XVI асрнинг охирида — XVII асрнинг бошларида Навоий асарлари итальян тилида 4 марта, немис тилида 5 марта чоп этилган. Булар орасида "Фарҳод ва Ширин", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб" каби асарлар бор.

Ҳиммат водийсининг ҳикмати



Ҳолами Тойига бир кўнгли очик одам деди:
— Эй, ҳимматда эркин табиат киши, саҳийлик кафтинга одат бўлганидан буён ўзинга ўхшаган кишини ҳеч кўрдингми?
У деди:
— Бир кун мен ҳамма учун йиғин қилдим. Унга ўша чўлдаги одамларнинг барини чакирдим. Пишириш учун юзта туя қурбон қилинди, сўйилган кўй-кўзиларнинг ҳам сон-саногини йўқ эди. Базм бўлиб турган вақтда бирпас ҳаво олгим келиб, дашт томонга чиқдим. Айланиб юриб, меҳнатда эзилган бир қари чолни кўрдим. У орқасига бир кучоқ тикан-ўтин ортган эди. Гавдасини у юк эгиб, вужуд уйига ҳассадан устун тиркаган эди. Ҳар қадам ташлаганда, бирпас тўхтаб, ҳар дам олганда маълум бир фурсат ўтарди. У чекаётган азоб ўти кўнглимни ёндириб, раҳм-шафқат билан унга шундай хитоб қилдим:

— Эй қаддини машаққат юки буккан, танасида ғам тиканлари ўрнашган одам!
Даштда юриб хабаринг бўлмади? Нега Ҳотамнинг уйига бормадинг? У ҳамма-ни ўзининг уйига чакириб, яхши-ю ёмонни бугун меҳмон қилмоқда-ку. Утинни ташла, иззат гулшанига бор, машаққат чекиб ўлтирмай, тур, чакирққа бор!
У менин унинг аҳволидан изтироб чекканини тушуниб, бош кўтариб кулди-ю, шундай жавоб берди:
— Эй, оёғини очкўзлик банд этган, бўйнига ғараз ва қизғончилик сиртмоқ бойлаган, эй гайрат водийсида қадам босмаган, ҳиммат қалъасига байроқ тикмаган одам, сен ҳам бу тикан ташит азобини тортиб кўр. Ҳолами Тойи миннатини эса торта берма. Қийналиб, машаққат билан бир танга топиш биров берган хазинадан яхшироқдир.
Унинг сўзлари шундай ўринли эдики, шунинг учун ҳам унинг ҳиммати меникидан ортқ эди.

Х И **К** О **Я** **Т**
Алишер Навоийнинг
"Хайрат ул-аброр" дostonи
(настрий баёнидан).

К И Т Ў А Л А Р


Замонда ҳусн элига жон фидо қилиб, не навб Вафони мен кеби бир бенаво тамағ тутқай.

Замона аҳлида йўқтур вафо — не еткай анга
Ки, кимса хўбларидин вафо тамағ тутқай.

Ҳар кишиким топса даврон ичра жошу эътибор
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса
Ким, ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

Ғалати муддао



М У **Т** О **Й** **Б** **А**
Муסיқий фанида давринг яғонаси Мавлоно Алишох бир куни давлати олий ҳазрат (Алишер Навоий)га арз қилиб: "Сизнинг олий илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шуки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошнинг бирдани-га берсалар, токи мен ҳар ойда хизматчиларга бош оғриғи бўлиб юрмасам", — деди. Олий ҳазрат жавоб берди: "Мавлоно, — деди, — умрингиздан олти кун қолганми, йўқми — бизга маълум эмас. Сиз нима учун амонат ҳаётга мунчалик кўнгли кўйиб, келажак олти ойлик маошни талаб қиласиз?" Мавлавий жавоб берди: "Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар. Борди-ю, ўлиб қолсам, гўрқафанимга яраб кетар". Олий ҳазрат: "Улиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало", деганлари сиз экансиз-да", деди.

Хондамирнинг
"Мақорим ул-ахлоқ" асаридан.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10
Тошпирилли — 00.30
1 2 3 4 5